

## Театрга талабалар ташрифи

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 ташаббус бугунги кунда ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Бу борада институтимизда ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.



Жумладан "Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти" факультетининг 5430200-Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш таълим йўналиши 4 курс 402а, 404-гуруҳ талабалари билан "Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш" кафедраси доценти Ў.Халиқназаров Муқимий номидаги театрға ташриф буюришди. Театр маънавият ўчоғи деб бежиз айтилмайди. Ҳақиқатдан ҳам театрға бориб биз учун зарур бўлган ҳаётий таълим-табияни олдик десак хато бўлмайди. Ушбу театрда "Асл хазина" номли спектакл намойиш этилди. Бу спектаклни талабалар мароқ билан томоша қилишди ва катта таассуротларға эға бўлиб қайтишди.

**"Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш" кафедраси доценти  
Ў.Халиқназаров ахбороти  
ТИҚХММИ матбуот хизмати**